

## МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Сотторов Фахриддин Аззамович*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

*Аннотация.* Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириши борасида давлат томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари, «сунъий ақл», суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизимига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ қуйидагилар крипто-активлар айланмаси соҳасини янада

такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифалар деб ҳисобланди:

1. Инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли крипто-активларда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, шунингдек, маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

2. Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

3. Крипто-активлар бўйича фаолият ва маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

4. Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;


5. Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Рақамли банк хизматларининг ортиши ва хусусий банклар томонидан жозибадор омонат турларининг таклиф этилиши натижасида депозитлар бозорида юқори рақобат муҳити шаклланмоқда. Жумладан, 2023 йил 1 июль

ҳолатига тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича НН индекси 665 ни ташкил этиб, банк тизимида паст концентрациялашув даражаси мавжудлигини кўрсатди. Бунда, жами жалб этилган депозитларнинг 48 фоизи хусусий банклар ҳиссасига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоиз бандга юқори бўлди.


**1-расм**

**Кредитнинг депозитга нисбати ва улар орасидаги фарқ, %**



**2-расм**

**2023 йил 1 июль ҳолатига банклар қирқимида депозитлар ва кредитлар миқдорининг йиллик ўсиш суръатлари**



Манба: Марказий банк.

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, кредитлар қолдиғининг депозитлар қолдиғига нисбатан 2 баравардан юқори бўлди ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23 фоиз бандга ошди. Мазкур ўсиш банклар кредитларни молиялаштиришда депозитлардан кўра, бошқа манбалардан фойдаланаётганлиги билан изоҳланади.

Банк тизими бўйича кредитлар ва депозитлар ҳажми орасидаги фарқ кенгайиб борди. Бунда, 2023 йил 1 июль ҳолатига ушбу фарқ 221 трлн сўмни ташкил этди ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39 фоизга ошди.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги матбуот хизматининг хабар беришича, агентлик ва Tether компанияси Ўзбекистонда крипто-активлар ва блокчейн инфратузилмаси соҳасида технологияларни ривожлантириш,

шунингдек, инновацияларни рағбатлантириш мақсадида ўзаро англашув меморандумини имзолади.

Томонлар Ўзбекистонда блокчейн технологиясини, стабил токенларни ва активларни токенизация қилишни ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда иқтисодий ўсиш ва инновацияларни рағбатлантиришда ҳамкорлик қилади.

Ўзаро ҳамкорлик крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, CBDC (Central Bank Digital Currency) ва активларни токенизация қилиш технологияларини жорий этиш, блокчейн ва крипто-активлар технологиялари соҳасида аҳолининг хабардорлиги ва саводхонлигини ошириш мақсадида таълим ташаббуслари бўйича ҳамкорлик қилишга қаратилган бўлади.

Tether ва агентлик республиканинг тегишли идоралари билан биргаликда тезроқ, хавфсизроқ ва тежамкор транзакцияларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистоннинг рақамли валютасини яратиш бўйича ҳамкорлик қилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Tether стабилкоинларни чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда рақамли молия соҳасида жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Tether (USDT) токени Tether компанияси томонидан 2014 йилда чиқарилган. Ушбу токени ишлаб чиққанларнинг асосий ғояси – бозор иштирокчиларига курси АҚШ доллари курсига боғланган, яъни нисбатан ўзгарувчан бўлмаган крипто-активдан фойдаланиш имкониятини яратишдир.

Яъни, бир USDT нархи 1 АҚШ долларига тенг (1 USDT = 1 АҚШ доллари). USDT токени барқарор токенлар орасида биринчи ўринни эгаллайди ва халқаро криптоплатформаларда капиталлашув ва айланма бўйича энг яхши учта крипто-активлар қаторига киради.

Ўзбекистонда рақамли активлар билан операциялар солиққа тортилмаган бўлса-да, ҳукумат бу соҳадан ўсиб бораётган даромадларни олмоқда. Бюджет тушумларининг ўсиши лицензиялаш режими ва крипто компаниялари учун тўловларнинг жорий этилиши билан боғлиқ.

Лицензияга эга криптокомпаниялар 2022 йил давомида бюджетга 3,5

миллиард Ўзбекистон сўми (310 минг доллардан ортиқ) тўлаган<sup>1</sup>.

Ҳозирда бешта крипто платформаси мамлакатда қонуний фаолият кўрсатишга рухсат берилган ва улар кўрсатилган суммани тўлаган.

Булар давлат томонидан назорат қилинадиган Узнех биржаси ва тўртта кичик биржа — Crypto Trade NET, Crypto Market, Crypto Express ва Coinpay.

Октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистондаги криптопровайдерлар ўз фаолияти учун белгиланган ойлик тўловларни тўлашлари шарт.

Шу билан бирга, жисмоний шахслар ва ташкилотларнинг крипто транзакциялари билан боғлиқ операциялари амалдаги қонунга мувофиқ, ҳатто норезидентлар ва бошқа юрисдикцияларда жойлашган компаниялар томонидан амалга оширилган тақдирда ҳам Марказий Осиё давлатида солиққа тортилади.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борди ва унинг кўлами кундан-кун кенгайиб бормоқда. Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий тизимлар, балки умумдавлат даражасидаги вазифага айланди. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим ва соғлиқни сақлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Central bank digital currencies for cross-border payments. Report to the G20. 2021 [Electronic resource] // The Bank for International Settlements, International Monetary Fund, World Bank Group. –URL: <https://www.bis.org/publ/othp38.pdf> (access date 14.07.2021).

---

<sup>1</sup> <https://napp.uz/uz/www.pedagoglar.org>

2. Агеев, А.И. Криптовалюты, рынки и институты/ А.И. Агеев, Е.Л. Логинов// Экономические стратегии. –2018. –Т. 20. –№1. –С. 94-107.
3. Анохин, Н.В. Криптовалюта как инструмент финансового рынка/ Н.В. Анохин, А.И. Шмырева// Идеи и идеалы. –2018. –Т. 2. –№3 (37). –С. 39-49.
4. Куницына Н.Н. (2018) Электронные деньги: платежный инструмент или технология // Актуальные вопросы современной экономики в глобальном мире. No 8. С. 126–129.
5. Самарцев, М.В. (2018) Электронные деньги и современные электронные платежные системы / М.В. Самарцев // Наука. Технологии. Инновации. С.45-48.
6. Гелисханов И.З., Юдина Т.Н., Бабкин А.В. Цифровые платформы в экономике: сущность, модели, тенденции развития// Экономические науки. – Санкт-Петербург, 2018. – № 6. – С. 22-36.
7. Kholmamatov, F., Khannaev, S., & Ruzimorotov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through " Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).
8. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.
9. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>
10. Kholmamatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>
11. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>